

ТАҚДИМНОМА

2004 йил 20 март

Фарғона шаҳри

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг судьяси А.Очилов, жиноят ишлари бўйича Риштон туман судининг раиси П.Умирзақовнинг 2003 йил 12 сентябрдаги М.Таджибоевага нисбатан юритилган маъмурий иш бўйича чиқарган қароридан фуқаро М.Тожибоевнинг норози бўлиб келтирган шикоят аризасини кассация тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни аниқладим.

Суриштирув органи томонидан М.Таджибоева 2002 йил 14 октябрь куни соат 10-00 ларда тегишли руҳсатнома олмасдан Олтиариқ туман суди биноси олдида намойиш уюштириш тартибини бузиб, Ўзбекистон Республикаси МЖТК 201-моддасининг 1-қисмида қайд этилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб маъмурий баённома тузилган.

М.Таджибоевнинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси МЖТК 201-моддасининг 1-қисмидаги йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш аломатлари бўлмаганлиги сабабли жиноят ишлари бўйича Риштон туман судининг 2003 йил 12 сентябрдаги қарори билан маъмурий иш иш юритишдан тугатилган.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 281-моддасида баённома уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан имзоланади; гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда эса баённома мазкур шахслар томонидан ҳам имзоланади. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага бу ҳақда ёзиб қўйилади. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённоманинг мазмуни юзасидан баённомага илова қилинадиган тушунтириш ва мулоҳазаларини беришга, шунингдек мазкур баённомага имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳақлидир. Баённомани тузиш вақтида ҳуқуқбузарга ушбу Кодекснинг 294-моддасида назарда тутилган унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади ва бу хусусида баённомага ёзиб қўйилади, деб кўрсатилган.

Баённомани расмийлаштирган Олтиариқ туман Ички Ишлар бўлими участка нозири Р.Мадбобоев Қонуннинг юқоридаги талабларини бузиб, М.Таджибоевани баённома билан таништирмаган, баённома юзасидан эътирозлари бор ёки йўқлигини аниқламаган, МЖТКнинг 294-моддасидаги ҳуқуқ ва бурчларини тушунтирмаган. Олтиариқ туман Ички Ишлар бўлимининг бошлиғи М.С.Хонкелдиев эса бу қонун бузилиши ҳолатларига эътибор бермасдан маъмурий материални судга юборган. Бу эса фуқаро М.Таджибоевнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказиб, Конституцион ҳуқуқларини бузилишига олиб келган.

Бундан ташқари, тузилган баённома, билдирги ва маълумотномаларда М.Таджибоевани яшаш манзилгоҳи турли хил кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида»ги ишларни кўриш бўйича «Суд амалиёти тўғрисида»ги 22-сонли Қарорининг 10-бандида «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда мансабдор шахс, суриштирув органи ва судьялар МЖТКнинг 307-моддасида санаб ўтилган ҳолатлар билан бирга ҳуқуқбузарнинг шахси ва ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни ҳар томонлама ва синчковлик билан аниқлашлари шарт»деб кўрсатилган.

Суриштирувчи Р.Мадбобоев МЖТКнинг 307-моддаси талабларига ва Олий суд раҳбарий кўрсатмаларига амал қилмасдан М.Таджибоевнинг яшаш манзилини аниқ кўрсатмаганлиги натижасида М.Таджибоевани суд мажлисига ўз вақтида келиши таъминланмасдан маъмурий иш судда узоқ муддат давомида кўрилиб, ортиқча сансалорликка йўл қўйилган. Маъмурий ишни кўришда суриштирув органи томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларга эътиборсизлик билан қараганлиги, ишни процессуал қонун муддатларини бузиб узоқ муддат кўриб, сансалорликка йўл қўйганлиги учун жиноят ишлари бўйича Тошлоқ ва Риштон туман судининг раислари интизомий жавобгарликка тортилганлар.

Кассация суди М.Тожибоевага нисбатан юритилган маъмурий иш амалдаги қонун нормаларига зид олиб борилганлиги сабабли М.Тожибоева ва бошқа фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлиб уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг юқори раҳбарларига шикоят билан мурожаат қилишларига олиб келганлигини эътиборга олиб, бундай қонунбузарликлар натижасида фуқароларнинг жабрланаётганлик ҳолатларини кечириб бўлмас ҳол эканлигини таъкидлашни, қонун бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан эса тегишли таъсир чораларини қўллаш масаласини ҳал қилиш лозим деб ҳисоблайди.

Суд, ушбу тақдимномани вилоят прокурори ва вилоят Ички Ишлар бошқармасининг бошлиғига юбориб, уларнинг эътиборини юқоридаги ҳолатларга қаратишни лозим топади.

Шу юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 313-моддасини қўллаб,

С Ў Р А Й М А Н

Тақдимномани муҳокама қилиб, тегишли чора тадбир белгилашингизни;

белгиланган чора тадбирлар ҳақида қонунда кўрсатилган муддатда жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судига маълум қилишингизни

Жиноят ишлари бўйича

Фарғона вилоят судининг судьяси


имзо

А.Очилов

Тақдимнома нусхаси аслига тўғри деб,

Жиноят ишлари бўйича

Фарғона вилоят судининг судьяси

 **А.Очилов**

